



АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА УНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Д. Мирзарайимов

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти илмий ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5651665>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20-oktabr 2021

Ma'qullandi: 25- oktabr 2021

Chop etildi: 30- oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

аҳоли бандлиги,
иқтисодий фаол аҳоли,
иқтисодиётда бандлар,
ишсизлик.

ANNOTATSIYA

Мақолада иқтисодий фаол аҳоли ва унинг кўрсаткичлари, миллий иқтисодиётда бандлар ва уларнинг таҳлили ёритилган. Мамлакатда ишсизликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада тадқиқот юзасидан хулоса ва тавсиялар келтирилган.

Бутун дунёда бўлгани каби бандлик муаммолари ҳар доим долзарбдир. Бу ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ривожланиш муаммоси. Иқтисодий соҳада бандлик аҳоли ва мамлакат фаровонлиги сифатида тавсифланади. Ижтимоий соҳада бандлик шахснинг касбий имкониятларини ривожлантиришни шакллантириш ролини белгилайди. Инсон ўз мутахассислиги бўйича, ўз жойида меҳнат қилса, бу жараёнда бу меҳнат жамиятга бойлик киритади ва унинг ривожланишини таъминлайди.

Аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида 700 га яқин фаол дастур ва лойиҳалар бўйича иш олиб

бормоқда. Шунингдек, ХМТ бандликнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун давлатларнинг техник, ташкилий ва институционал имкониятларини қўллаб-қувватлаб келмоқда¹.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар жараёнида аҳоли бандлигини таъминлаш муаммоларини тадқиқ этишнинг долзарблиги биринчи навбатда, мазкур тушунчанинг эволюцион қарашлар ва концептуал ёндашувлар билан номоён бўлади. Мазкур тушунчанинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари мазмуни турли туман шакллар воситасида ифодаланади².

Бандликка кўмаклашиш давлат сиёсати асосий бўғинларидан бири

¹ <https://www.ilo.org/pardev/lang--en/index.htm>


² http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/Khatamov_Ortikov.pdf



бўлиб фуқароларнинг тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият учун ўз қобилиятларидан эркин фойдаланиш, шу жумладан ўз меҳнат қобилиятларини эркин тасарруф этиш ва фаолият турларини танлаш бўйича конституциявий ҳуқуқларининг ифодасидир. У ижтимоий эҳтиёжлар ва бозор талабларига жавоб беради, меҳнат таклифи ва иш ўринлари мутаносиблигига эришиш ҳамда самарадорлигини оширишга, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга, меҳнатни тақсимлаш муносабатларига хизмат қилади³.

Меҳнат ресурслари барча меҳнатга қобилиятли шахслар, ижтимоий

гуруҳлар, ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этаётганларни ва иштирок этиш истагидагиларни акс эттириб улар иқтисодий фаол аҳолини ташкил этади. Республикамизда 2010-2020 йилларда иқтисодий фаол аҳоли сони 2 510,8 мингга (20,4 фоиз) ўсиб, 2020 йилда 14797,4 мингни ташкил этган. Шу жумладан, эркаклар сони 1 775,5 мингга (26,7 фоиз) ўсиб, 2020 йилда 8 413,6 мингни ташкил этган бўлса аёллар сони 735,3 мингга (13,0 фоиз) ўсиб, 2020 йилда 6383,8 мингни ташкил этган ва барқарор ўсиш суръатларига эга. 2010-2020 йилларда эркаклар улуши 54 фоиздан 56,9 фоизга кўпайган. Аёллар улуши эса аксинча 46 фоиздан 43,1 фоизга камайган (1-расм).




1-расм. Иқтисодий фаол аҳоли (минг киши)

³ <file:///C:/Users/user/Downloads/ponyatie-i-printsipy-pravovogo-regulirovaniya-zanyatosti-naseleniya.pdf>



Ўзбекистонда миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнлари бозор иқтисодиётига ўтиш ислохотлари билан биргаликда олиб борилаётганлиги натижасида янги иш ўринларини ташкил этишга муҳим эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан Республикамизда 2010-2020 йилларда иқтисодиётда банд бўлганлар сони 1 608,0 мингга (13,8 фоиз) ўсиб, 2020

йилда 13236,4 мингни ташкил этган. Шу жумладан, эркаклар сони 1 418,5 мингга (22,4 фоиз) ўсиб, 2020 йилда 7 751,8 мингни ташкил этган бўлса аёллар сони 189,5 мингга (3,6 фоиз) ўсиб, 2020 йилда 5484,6 мингни ташкил этган ва умумий динамикада ўсиш суръатларига эга. 2010-2020 йилларда эркаклар улуши 53,3 фоиздан 58,6 фоизга кўпайган. Аёллар улуши эса аксинча 46,7 фоиздан 41,4 фоизга камайган (2-расм).



2-расм. Иқтисодиётда банд бўлганлар (минг киши)

Бандликдан фарқли ўлароқ - инсон ҳаётига ва унинг оиласи ҳаётига салбий таъсир кўрсатадиган ишсизлик. Вақт ўтиши билан ишсизликнинг ортиб бориши айрим тармоқларнинг турғунлигига, айрим ҳудудларнинг таназулга учрашига, жамиятда ижтимоий тўнтаришларга олиб келади. Шунинг учун ҳам ишсизлик жиддий ижтимоий-сиёсий муаммо сифатида баҳоланади.

Умуман, ишсизлик талаб ва хизматларга талабнинг камайиб кетиши натижасида конъюнктура ўзгаришларига мослаша олмаслик, ишларнинг мавсумий ҳолдалигидан

келиб чиқиб ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши натижасида юзага келади. Шунингдек, бозорнинг асосий қонунияти рақобат кураши экан, албатта бунда бозор талабларига жавоб бера оладиган хўжалик субъектлари ривожланади, уларга жавоб бера олмайдиганлари инқирозга учрайди, натижада бу ишсизлик вужудга келтиради⁴.


Республикамизда 2010-2020 йилларда ишсизлар сони 902,9 мингга (2,37 марта) ўсиб, 2020 йилда 1561,1 мингни ташкил этган. Шу жумладан, эркаклар сони 357,1 мингга (2,17 фоиз) ўсиб, 2020 йилда 661,9 мингни ташкил

⁴ <file:///C:/Users/user/Downloads/ishsizlikning-kelib-chi-ish-sabablariga-nazariy-yondashuv-va-uni-bartaraf-etish-y-llari.pdf>



этган бўлса аёллар сони 545,8 мингга (2,54 марта) ўсиб, 2020 йилда 899,2 мингни ташкил этган. 2010-2020 йилларда эркаклар улуши 44,0 фоиздан

42,4 фоизга камайган. Аёллар улуши эса аксинча 56 фоиздан 57,6 фоизга кўпайган (3-расм).



3-расм. Ишсизлар сони (минг киши)

Бандлик ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатлар ҳар бир алоҳида мамлакатда аҳоли бандлигини тартибга солиш сиёсати орқали амалга оширилади. Ушбу тушунчалар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш меҳнат муносабатлари тизимида бандлик ва меҳнат бозорининг ўрнини аниқлаш имконини беради. Меҳнат бозорида таклиф ҳажмини белгиловчи ва бу борада доимий назоратни талаб қилувчи меҳнатни рағбатлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири бу иш ҳақи ҳисобланади. Меҳнат таклифига ходимнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятлари, шунингдек, даромад олишнинг бошқа манбаларининг мавжудлиги таъсир қилади.

Фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, бир қатор фуқаролар учун пенсиялар, нафақалар ва субсидиялар, дивидендлар ва бошқа даромадлар бўлиши мумкин. Самарали меҳнат бозорини шакллантириш учун соғлом рақобат зарур бўлиб, унда билим ва малакалар меҳнат бозорида рақобатлашиши керак. Бизга давлатнинг мутаносиб ижтимоий-иқтисодий сиёсати, меҳнат бозорида давлат бошқарувини такомиллаштириш, меҳнаткашларнинг ёши, соғлиғи, жинси, меҳнат саъй-ҳаракатлари ҳажмидан қатъи назар самарали бандлигини таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўриш зарур.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <https://www.ilo.org/pardev/lang--en/index.htm>
2. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/Khatamov_Ortikov.pdf
3. <file:///C:/Users/user/Downloads/ponyatie-i-printsipy-pravovogo-regulirovaniya-zanyatosti-naseleniya.pdf>



4. <file:///C:/Users/user/Downloads/ishsizlikning-kelib-chi-ish-sabablariga-nazariy-yondashuv-va-uni-bartaraf-etish-y-llari.pdf>
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.